ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
HOKIMI
QARORI

«05» январь 2018 yil Урганч ш.

№ 5к Нусха №

Хоразм вилоятининг 2018 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва маҳаллий бюджетининг параметрлари тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 99-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сон қарори ва халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 2017 йил 30 декабрдаги "Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилдаги асосий параметрлари тўғрисида"ги 24-102-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

Қарор қиламан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сон қарори ва халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 2017 йил 30 декабрдаги "Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилдаги асосий параметрлари тўғрисида"ги 24-102-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2018 йилга мўлжалланган вилоят маҳаллий бюджетининг:

вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага*;

вилоят маҳаллий бюджетининг асосий параметрлари 2-иловага;

вилоят бюджети, шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмлари, вилоят маҳаллий бюджетига республика бюджетидан ижтимоий соҳа учун трансфертлар миқдорлари 3-иловага;

шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқлари тушумларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага;

шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 5-иловага;

вилоят маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят молия бош бошқармасига (М.Давлатов) (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) тегишли маҳаллий бюджетларга бюджетдан трансфертлар ва ссудалар ажратишда уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек, иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан бирга), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича маҳаллий бюджетларнинг харажатларини молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш топширилсин.

4. Вилоят молия бош бошқармасининг 2017 йилги вилоят маҳаллий бюджети даромадларини 881,4 млрд.сўм ва харажатларини 1225,5 млрд.сўм миқдорида аниқлаштириш тўғрисида таклифи қабул қилинсин.

5. Хоразм вилоятининг 2018 йилги маҳаллий бюджети параметрлари халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2017 йил 30 декабрдаги 24-102-сон қарори билан маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Мазкур қарор Хоразм вилояти ҳокимлигининг расмий нашри ҳисобланган “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталарида эълон қилинган кундан кучга киради.

7. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Вилоят компьютерлаштириш маркази” ДУК (С.Садиқов) мазкур қарорнинг вилоят ҳокимлигининг расмий веб сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Сапаев зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **И.Сабиров**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI HOKIMI
PROTOKOL QISMI № 2

*иловалар рус тилида берилади